

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

168 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-1*

(2010 йил 6 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ–1317-сон «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 104-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 апрель,
16/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
24 апрелдаги 16/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, банк ўз устав капиталини қонун ҳужжатларига мувофиқ шакл-лантира олмаслиги сабабли, ўз мақомини хусусий тижорат банкига ўзгартиришига йўл қўйилмайди».

2. 25-банд қуйидаги тахрирдаги бешинчи — еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«2011 йил 1 январдан бошлаб банклар устав капиталларининг энг кам миқдори қуйидаги миқдорларда белгиланади:

банклар учун — 10 млн евро эквивалентида;

хусусий тижорат банклари учун — 5 млн евро эквивалентида».